



FROM THE HISTORY OF TRADE RELATIONS BETWEEN BUKHARA AND RUSSIA IN THE 19TH CENTURY

Zukhriddin Khaydarov

Lecturer

National university of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Bukhara, Russia, Orenburg, trade centers, caravan routes, fair, customs, products, cotton, iron, copper, cast iron.

Received: 18.02.25

Accepted: 20.02.25

Published: 22.02.25

Abstract: The article analyzes the trade relations of the Bukhara Emirate with the Russian Empire in the 19th century, as well as security issues on trade routes and changes in the customs system. It also provides information on the volume of imports and exports exchanged between Bukhara and Russia, and the fact that Bukhara merchants conducted free trade at trade fairs held in Russian cities such as Nizhny Novgorod, Orenburg, Irbit and Troitsk.

XIX АСРДА БУХОРО-РОССИЯ ЎРТАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН САВДО МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДАН

Зухриддин Ҳайдаров

ўқитувчи

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Бухоро, Россия, Оренбург, савдо марказлар, карвон йўллар, ярмарка, божхона, маҳсулотлар, пахта, темир, мис, чўян.

Аннотация: Мақолада XIX асрда Бухоро амирлигининг Россия империяси билан олиб борган савдо алоқалари ҳамда савдо йўлларидағи хавфсизлик масалалари, божхона тизимидағи ўзгаришлар таҳлил килинган. Шунингдек, Бухоро-Россия ўртасида айирбошланган импорт ва экспорт миқдори, бухоролик савдогарлар Россиянинг Нижегород, Оренбург, Ирбит, Троицк каби шаҳарларида ўтказилган савдо ярмаркаларида эркин савдо ишларини олиб борганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

ИЗ ИСТОРИИ ТОРГОВЫХ ОТНОШЕНИЙ БУХАРЫ С РОССИЕЙ В XIX ВЕКЕ

Зухриддин Ҳайдаров

преподаватель

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Бухара, Россия, Оренбург, торговые центры, караванные пути, ярмарка, таможня, продукты, хлопок, железо, медь, чугун.

Аннотация: В статье анализируются торговые отношения Бухарского эмирата с Российской империей в XIX веке, а также вопросы безопасности на торговых путях и изменения в таможенной системе. Также приводятся сведения об объемах импорта и экспорта, которыми обменивались Бухара и Россия, и о том, что бухарские купцы вели свободную торговлю на ярмарках, которые проводились в таких городах России, как Нижний Новгород, Оренбург, Ирбит и Троицк.

Кириш

XVIII асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб Бухоро амирлиги Россия билан асосий савдо алоқаларини Оренбург шаҳри орқали амалга ошира бошлаган. Бу даврда Ўрта Осиё савдогарлари га Россиянинг ички ҳудудларида савдо қилишга ва бошқа шаҳарларда ўтказиладиган савдо ярмаркаларида қатнашишга рухсат берилмаганди. Россия ҳукумати томонидан Ўрта Осиё савдогарлари га қўйилган чеклов натижасида ўз маҳсулотларини асосан Оренбург шаҳрида сотишга мажбур эди. Савдогарлар орқага қайтишларида эса рус саноати ва фабрикаларида ишлаб чиқарилган ҳамда аҳолининг эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни олиб қайтишган[1].

Асосий қисм

XIX аср бошларига келиб Россия ҳукумати савдо алоқаларини шарқ томонга яъни Ўрта Осиё мамлакатлари билан олиб боришга катта эътибор қарата бошлади. Натижада Оренбург шаҳри Шарқ мамлакатлари билан савдо ва иқтисодий алоқаларни олиб борища асосий савдо марказга айланди. Россия ҳукумати амирлик ва бошқа хонликлар савдогарларини Оренбургга кўпроқ жалб қилиш мақсадида амалдаги 5 фоизлик бож тўловларини 3 фоига тушурди[2]. 1807 йилдан бошлаб эса Россия ҳукумати Ўрта Осиёлик савдогарларга қўйилган тақиқни бекор қилди. Шундан сўнг амирлик ва бошқа хонликлар савдогарлари Россиянинг ички ҳудудларида ҳамда Нижегород, Ирбит, Коренной каби ярмаркаларида эркин савдо қилишга имкон туғулди[3].

Бухоро амирлиги ва Россия ўртасида савдо алоқалар йилдан йилга кенгайиб борган. 1801 йили Бухоро савдогарлари Оренбург шахрига 718,9 минг рубль миқдордаги савдо молларини олиб боришган. Оренбургдан эса Бухоро амирлигига 504,7 минг рубль қийматидаги турли хил маҳсулотлар олиб кирилган. 1811 йилга келиб Бухородан Оренбургга 3 млн 224 минг рубллик маҳсулотлар экспорт қилинди. Оренбургдан Бухорога импорт қилинган маҳсулотларнинг қиймати 1 млн 792 минг рублга teng бўлган[4].

Асрлар давомида Бухоро Россия ўртасида олиб борилган савдо-сотиқ ишлари жадал ривожланган бўлишига қарамай, савдогарлар бир қанча муаммо ва тўсиқларга дуч келишган. Савдо карвонлари учун асосий тўсиқлардан бири карвон йўлларининг ҳавфсизлиги қониқарли даражада таъминланмаган эди. П.П. Шубинский Россиядан Бухорога йўл олган савдо карвонлари 1738, 1753, 1823 ва 1824 йилларда Бухоро ва Хива даштларида қароқчилар томонидан уюштирилган ҳужумга учраб савдо карвонлари катта талофат кўрганлигини баён қилган[5]. Маълумотларга кўра, 1800 – 1806 йиллар ичида Бухоро, рус ва бошқа давлатлар савдогарлари қароқчилар ҳужуми натижасида 1 млн 396 минг 223 рубллик талофат кўришган. Масалан, 1806 йил куз ойида Сирдарё бўйида Бухоро ва Россия савдогарлари карвонига қароқчилар томонидан ҳужум уюштирилган. Карвонда 3 минг тия бўлиб, шундан 340 та тудаги моллар таланганд, қолганлари Оренбургдан келган ёрдам туфайлигина омон қолишган. Шунингдек, 1809 йил Бухородан Россияга чиққан 1600 та тия карвони ҳам Қозоғистон чўлларида қароқчилар томонидан қилинган ҳужумга учраган[4]. Е.Кайдалов 1824 йилда Россиядан Бухорога қараб йўлга чиққан савдо карвони ҳам қозоқлар томонидан уюштирилган талончиликка учраб рус савдогарлари 550 минг 027 рубль зарап кўрганини баён қилган[6].

Давлатлар ўртасида карвон йўлларининг ҳавфсизлиги етарли даражада таъминланмаганлиги, йўлларда савдо карвонларнинг қароқчилар ҳужумига учраб туриши савдогарлар ўртасида норозиликларни келтириб чиқарган. Бухородан Россияга чиққан савдо карвонлари йўлларда бир марта эмас бир неча бор қароқчилар ҳужумига учраганлар. Бухоролик савдогарлар карвон йўлларининг ҳавфсизлигини таъминлаб беришни Россия ҳукуматига етказиши сўраб ўз ишончли вакилларини амир ҳузурига юборишган. Ишончли вакиллар амир ҳузурига киришган ва амирдан ижобий кўрсатма олишган. Амир савдогарлар мурожаатига жавобан карвон йўлари ҳавфсизлигини таъминлаб беришни сўраш учун бухоролик савдогар Мулла Ирназарбийни Россияга элчи қилиб юборган[5].

Россия ҳукуматининг кўрсатмасига биноан карвон йўллари ҳавфсизлигини таминалаш мақсадида Г.С. Волинский томонидан Оренбург линиясида савдо карвонларини

қўриқлаб бориш учун “қуролли карвон” қоидаси ишлаб чиқилди. Натижада, 1812 йил “қуролли карвон” акционерлик жамияти тузилди. “Қуролли карвон” жамияти уставига кўра савдо карвонларида келтирилган маҳсулотлар умумий қийматининг 5 фоиздан 10 фоизгача бўлган микдордаги сумма жамиятга ўtkазилган. Бу канвой карвонларни Сирдарёгача қўриқлаб келган, Сирдарёдан – Бухорогача бўлган худудларда карвон йўли ҳавфсизлигини Бухоро отряди кузатиб келишган[4].

Манбаларда XIX асрнинг 50-йилларида келиб Россия хукumatнинг сайи-ҳаракатлари туфайли Оренбургдан Бухорога келувчи карвон йўлларида осойишталик хукм сурғанилиги ва энди карвонларни қўриқлашнинг ҳожати йўқлигини, Тошкент, Троицк ва Петропавловск ўртасида қатновчи карвонлар ҳавфсиз бўлганлиги баён қилинган[8].

М.К. Рожкова карвон йўлларида талончилик харакатлари ҳали ҳам учраб туришини ёзган. 1862 йил бошида Оренбургдан Бухорога 900 түя ва 100 дан ортиқ кишидан иборат бўлган савдо карвони йўлга чиқсан. Карвонда савдогар Биковский фирмасининг 30000 рубллик маҳсулотлари ҳам бўлган. Карвон Бухоронинг Томди қальясидан 40-50 верст масофа узоқликда 150 нафар қозоқ қароқчиларининг хужумига учраган. Карвон билан бирга бўлган оренбурглик рус савдо фирмаларида хизмат қилувчи Николай Шмелев қароқчиларни ўқка тутиб, карвон хафсизлигини таъминлаб амирликка беталофат олиб келган. Карвонга кўрсатган ёрдами учун Николай Шмелев Биковский фирмаси томонидан тақдирланган. Шунингдек, Ўрта Осиёда рус савдосини ривожлантиришга қўшган хиссаси ҳамда Ўрта Осиё ҳалқларининг урф-одатларини яхши ўргангандигини хисобга олиб “Мехнаткорлиги учун” кумуш медали билан ҳам мукофатланган[7].

П.И. Небольсин Россия ва Бухоро амирлигини боғловчи карвон йўллари тўғрисида маълумотлар берган. Оренбургдан-Бухорогача оралиқ масофа 1586 верст, Орск қальясидан эса 1392 верстлик йўл бўлганни қайд қилган[8]. Шунингдек, Россия ва амирликни боғловчи савдо йўлларининг йўналишларини ҳам ёзиб қолдирган. Бердянка дарёсидан-Яман дарёсигача бўлган оралиқ масофа 224 верст, Суюк-Су ўзанидан-Терекли ўзанигача 210 верст, Караканди-Чувар-чўлга ўзанигача 238 верст, Октандан-Жалтиркўлча 223 верст, Сирдарё-Какпатош 465 верст, Батқак қумликларидан-Бухоро шахригача 256 верстлик йўл бўлган[8].

Оренбургдан-Бухорогача бўлган карвон йўллари тўғрисида бир қанча маълумотларни келтириб ўтиш мумкин. Масалан, Эрназар Максютов ўзининг эсадаликларида Бухородан Оренбурггача бўлган карвон йўл тўғрисида ёзиб қолдирган. У Санкт-Петербургга бир неча бор элчи бўлиб келганлиги учун Бухородан Оренбурггача бўлган йўлни 25 кунда, Сирдарёдан Оренбурггача эса 18 кунда босиб ўтиш мумкинлигини

таъкидлаган. М.Бекчурин ҳам Бухородан-Оренбургга олиб борувчи карвон йўллари тўғрисида муҳим маълумотларни берган. 1809 йил 17 октябрда Оренбургдан савдо карвони билан бирга чиқиб, 28 декабрда Бухорога етиб келганини, босиб ўтган йўлининг оралиқ масофаси 1639 верстни ташкил этганлигини қайд этиб ўтган[9]. Бухоро шаҳридан йўлга чиқкан савдо карвонлари Оренбургга 50-60 кунда етиб боришган[10].

Йўл ҳавфсизлигини таъминлаш борасида Россия хукумати билан бир неча бор олиб борилган келишувларга қарамасдан савдо йўлларининг хавфсизлиги ҳар доим ҳам тўлиқ таъминланиб назорат ўрнатилмаган. Чўл ва дашт ҳудудлардан ўтувчи савдо йўлларида карвонларга кўчманчилар ва қароқчилар томонидан хужумлар уюштирилиб туриш ҳоллари учраб турган.

Россия империясининг Ўрта Осиё хонликлари билан олиб борган савдоси карвон йўлларидағи талон-тарожга қарамай муваффақиятли ривожланиб борган. Россиянинг шарқ мамлакатлари билан олиб борган савдо алоқаларининг кенгайиши ва тараққиёти натижасида Оренбургда жуда катта савдо маркази қурилган ва доимий равишда савдо ярмаркалар ўtkазилган[11]. Оренбург савдо марказида турли ҳудудлардан келтирилган савдо моллари ўртасида кучли рақобат бўлган. Бухоро амирлигидан олиб борилган ипак ва ярим ипак матоларига талаб кучли бўлган. Эронда ишлаб чиқарилган ипак ва ярим ипак матоларга нисбатан 6-7 баравар кўп сотилган[12].

Бухоро амирлиги ва Ўрта Осиё хонликларининг Россия билан олиб борган қизгин савдо алоқалари натижасида Оренбург божхона қўмитаси барча божхона бўлимларининг (линияси) устидан назорат қилишни амалга оширишга имкони етмади. Шундан сўнг, 1824 йилда Оренбурга қўшимча ёрдам сифатида Сибир божхона бўлими очилди[4]. 1828 йилда Оренбург савдо марказига Ўрта Осиё хонликларидан жами 3 минг 578 туюда турли хил моллар жўнатилган бўлиб, умумий қиймати 4 млн 456 минг 241 рублга баҳоланганди. Шундан, 2 минг 480 та туюда Бухоро амирлиги, 1 минг 003 та туюда Хива хонлиги ва 95 та туюдаги маҳсулотлар эса Тошкент ҳисобига тўғри келган. 1829 йилда Бухоро амирлигидан 213 нафар, 1833 йилда 152 нафар, 1835 йилда 341 нафар, 1837 йилда эса 388 нафар нуфузли бухоролик савдогарлар Оренбургга ташриф буюрган[13].

XIX асрнинг 40-йилларида Россиянинг Ўрта Осиё билан олиб борган савдо ишларида Ўрта Осиё савдогарларининг мавқеи юқори бўлган. Бу даврда рус савдогарлари Ўрта Осиё хонликларига келмай қозоқ чўлларида қизгин савдо ишларини олиб боришган. Ўрта Осиё савдогарлари Россиянинг Нижний Новгород ва Ирбит ярмаркаларида, шунингдек, Оренбург, Троицк ва Сибир божхона бўлимларида эркин савдо қилишган[7]. Э.К. Мейндорф Троицкдан Бухорога бир пуд юк ташиш нархи тахминан 6 рублни ташкил

етишини қайд этган[14]. Маълумотларга кўра, ҳар йили Бухородан 200 дан ортиқ савдогарлар Троицкдаги савдо марказига ташриф буюриб, савдо-сотик ишларини олиб борган[15].

Бухоролик савдогарлар томонидан Нижегород ярмаркасига пахта, йигирилган ип, маҳаллий ип-газламалар, кашмир рўмоллари, қуруқ мевалар, қоракўл терилари кўпроқ чиқарилган[3]. Троицк савдо марказида Россиянинг бошқа ярмаркаларига қараганда баъзи маҳсулотлар асосан, темир ва мис буюмлар арzonроқ сотилган. Троицкда Бухоро чити 1 рублдан 1 рубл 20 тийингача сотилган бўлса, Нижегород ярмаркасида бу мато 90 тийинга баҳолангандан[8]. Бухороликлар Россиядан олтин, кумуш, мис, қалай ва темир буюмларни кўпроқ сотиб олишган[16].

Бухоро савдогарлари Каспий денгизидан то Петропавловск шаҳри орасида жойлашган ярмаркаларда асосан, Нижегород ва Троицк ярмаркаларида қизгин савдо ишларини олиб борган. Нижегород ярмаркаси Бухоро амирлиги ва Шарқдан келтирилган савдо моллари учун савдо омбори вазифасини ўтаган. Ярмарка ҳар йили июл ойи ўрталарида иш бошлаб, 20-августгача давом этган. Бу ярмаркага Бухородан келтирилган калава (йигирилган ип), ипак, пахта, ип-газлама ва шойи матолар, кийим-кечак, қимматбаҳо тошлар, қоракўл териси, ҳар ҳил бўёклар, қўлда гул босилган газламалар, белбоғ, рўён илдизи (марена), бўри ва тулки терилари, қуруқ мева, чой, гиламлар, Кашмир шавлиси каби юзлаб турдаги маҳсулотлар савдога чиқарилган. Айниқса, Бухоронинг “бахти”, “зандани” номли ип-газламаларига Россиядан талаб юқори бўлиб, рус савдогарлари ва аҳолиси кўпроқ ҳарид қилишган[17].

Бухоро-Россия ўртасида олиб борилган савдода метал ва метал буюмланинг савдоси ҳам етакчи ўринга эга бўлган. XIX аср бошларида Россиядан темир ва бошқа металларни амирликка олиб кириш таъкиқланганди. XIX асрнинг 30-йилларига келиб, Россиядан Бухоро амирлигига металларни олиб келишга рухсат этилди. Шундан сўнг, Ўрта Осиёга жумладан, Бухоро амирлигига ҳам эркин тарзда темир, мис ва пўлат каби кўплаб металлар олиб келиш миқдори ортиб борган[18]. Масалан, 1840-1850 йилларда Оренбург орқали Ўрта Осиёга 40 минг пуд мис, 400 минг пуддан ортиқ темир, 75 минг пуд пўлат, 25 минг пуд чуян, 1 млн 500 минг сўмлик олтин ва кумуш келтирилган[19]. XVIII аср охирларида Оренбургдан Бухорога олиб келинган ҳар бир түядаги (туя юкининг оғирлиги 16 пуд бўлган) юқ учун 17-25 рубл ҳақ олинган бўлса, XIX аср ўрталарига келиб, юклар учун олинадиган йўл ҳаққи 9-16 рублни ташкил этган[20].

Э.Эверсман Бухоро-Россия ўртасидаги савдо алоқалар асосан Троицк, Орск, Оренбург ва Астрахан орқали амалга оширилганлигини таъкидлаган. Шунингдек,

савдогарларнинг асосий қисмини бухороликлар, татарлар ва астраханлик арманлар ташкил этишини, Россиядан амирлик худудларига ип ва гулдор газламалар, ипак ва ип рўмоллар, жез, мис, темир ва темирдан ясалган рус буюмлари олиб кирилганлигини, Бухоро амирлигидан Россияга ипак, пахта, йигирилган ип, кашмир ва эрон рўмоллари, нил бўёғи ва хитой чинни идишлари кўпроқ чиқарилганлигини баён қилган[21].

1863 йилдан бошлиб Россия бозорларида Ўрта Осиё пахтасига бўлган талаб ортиб борди. Натижада, Россия бозорларида пахтанинг нархи бир неча бараварга ўсиб кетди. 1862 йилда Бухоро амирлигидан олиб борилган бир пуд пахтанинг нархи Россияда 12-13 рублдан[22] сотилган бўлса, 1864 йилга келиб эса 22-23 рублгача кўтарилиган[23]. Бу даврда Бухоро бозорларида пахтанинг нархи 4-5 рублдан сотилган бўлиб, бухоролик ва рус савдогарлар катта фойда кўра бошлади. Масалан, 1869 йилда маҳаллий савдогарлар Бухоро бозорларидан ҳар бир пуд пахтани 4 рубль 50 тийиндан[24] сотиб олиб, Нижегород ярмаркасида 15 рублгача сотишган[24]. Щунингдек, Рус савдогари Пупшева Бухоро амирлигидан 60 минг пуд пахтани 7 рубл 50 тийиндан сотиб олиб, Нижний Новгород ярмаркасида 12 рублдан сотганлиги тўғрисида маълумотлар берилган[7].

ХУЛОСА

XIX аср давомида Бухоро амирлигининг Россия билан олиб борган савдо алоқалари бир маромда кечмаганлигини кўришимиз мумкин. Бу даврда Оренбург шахри Бухоро амирлиги ва Россия ўртасидаги савдо ишларни олиб боришида асосий иқтисодий марказ вазифасини ўтаган. Карвон йўлларидағи нотинчлик, савдо карвонларининг қозоқ чўлларидан ўтишида хавф хатарларни ҳисобга олмагандан икки давлат ўртасидаги тижорат ишлари ривожланиб борган. Бухоро-Россия ўртасида карвон йўллари ҳавфсизлиги бўйича олиб борилган келишувлар натижасида савдо йўллари ҳавфсизлиги тамилланди. Натижада бухоролик савдогарлар Россиянинг йирик савдо марказлари Нижегород, Оренбург, Ирбит каби ярмаркаларида эркин савдо-сотиқ ишларини олиб боришган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мухаммаджонов А.Р., Неъматов Т.Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. – Тошкент: Ўз ССР ФА, нашриёти 1957. – Б.11.
2. Шкунов В.Н. Торгово-экономические отношения Российской империи с сопредельными странами Востока во второй половине XVIII – первой половине XIX века: Автореф дне... д-ра ист. наук: 07 00.02. – Саранск, 2009. – С.26.
3. Мейендорф. Г. Сведения о Бухарии. «Журнал Министерства внутренних дел», 1835. – Б.237,242.

4. Михалева Г.А. Торговые и посольские связи России со средне-азиатскими ханствами через Оренбург, – С.43,46,56,58.
5. Шубинский П.П. Бухарская посольства при дворе Екатерины II. СПб – 1897. – С.7,8.
6. Кайдалов Е. Караван-записки во время похода в Бухарию российского каравана под воинским прикрытием в 1825 годах, веденные начальником оного каравана над купечеством Евграфом Кайдалов 2-қисм, М., 1827 – 1828. – Б.96-97.
7. Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азией 40-60 гг. XIX в. – М., 1963. – С.81-217.
8. Небольсин П.И. Очерки торговли России со странами Средней Азии – Хивой, Бухарой и Кокандом (со стороны Оренбургской линии) // Записки Русского географического общества. – СПб, 1856. Т. 10. – С.13,15,16,41.
9. Рязанов А.Ф. Оренбургский край, – С.109.
10. Сайдов. Ш Хоразм-Россия муносабатлари (XIX аср-XX асрнинг бошлари). Монография. -Тошкенг: “Kafolat print company” нашриети, 2024. –Б.79.
11. Холикова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – Б.91.
12. Очилдиев Ф. (2023). XIX Асрнинг биринчи ярмида Бухоро-Россия савдо алоқалари. *История и культура центральной Азии*, 1(1), 432-438. – Р.432.
13. Ochildev, F. B. (2019). Trade relations between Bukhara-Russia in the second half of XVIII century-in the XIX century. *Theoretical & Applied Science*, (5), 484-487. – Р.486.
14. Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М., 1976, – С.124.
15. Ochildev, F.B. (2024). Trade relations of the Bukhara empire with Russia in the second half of the 18th century-the beginning of the 19th century. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 6(02),25-30. Р.28.
16. Будрин. Русские в Бухаре в 1820 году. (Записки очевидца), Оренбург, 1871, – Б.30.
17. Раззоқов Д.Х. Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари (XIX асрнинг 60-90 йиллари). Тар. фан. номзоди дисс... – Ташкент, 1994. –Б.43.
18. Ҳайдаров З.Б. XIX асрда Бухоро амирлигининг Россия билан савдо муносабатлари. “Mirzo Ulug’bek – buyuk mutafakkir olim va davlat arbobi” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari // 2024. – Б.939. 19.Хоразм тарихи / Масъул мсхаррир ва нашрга тайёрловчи профессор М. Матниёзов. – Б.241.
20. Очилдиев Ф.Б. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигига ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент. FIRDAVS-SHOH.2022. – Б.121.
21. Eversmann E. Reise von Orenburg nach Buchara. Berlin.1823, 150. – Р.76.
22. Туркестанские ведомости. 1871. № 5.

23. Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми–XX аср бошларида Туркистонда саноат – Б.16.,
Массальский В.И. Хлопковое дело в Средней Азии. – СПб.,1892. – С.137.
24. Туркестанские сборник. Том. 8,26. – С.23,77.
25. Ochildiev, F. (2021). Cotton Production Development In Bukhara Emirate During The Late XIX–Early XX Centuries. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(02), 119-125.
26. Ochildiev, F. (2021). The inflow of russian capital and industry into the Bukhara emirate in the late 19th and early 20th centuries. *current research journal of history (2767-472X)*, 2(06), 20-26.
27. Khaydarov, Z. B. (2023). Trading centers of the Bukhara emirate in the second half of the 19th and early 20th centuries. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 3(04), 1-9.
28. Khaydarov, Z. B. (2023). Trade relations of the emirate of Bukhara with Russia in the 60s-70s of the 19th century. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 3(06), 32-39.